



ЮРТ РАВНАҚИ,
МИЛЛАТ
КЕЛАЖАГИНИ
ЎЙЛАБ

2-бет

ШЕЪРИЯТ
БЎСТОНИДА

6-бет

ТАБИАТНИ
АСРАШ —
ИНСОНИАТНИ
АСРАШДИР

7-бет



«УМИД
НИҲОЛЛАРИ —
2003». ФОЛИБЛАР
ҚУТЛАНДИ

8-бет

ПАЙШАНБА



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 109 (9.912)

2003 ЙИЛ 5 ИЮНЬ

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ УЧУН ЯШАШ — БАРЧАМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР



4 июнь куни Оқсаройда Президент Ислам Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида мазкур кенгаш аъзолари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги йиғилишдан асосий мақсад - бундан олти ой муқаддам ташкил этилган Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси фаолиятига танқидий нўқтани назардан баҳо бериш, эришилган натижалар, йўл қўйилган камчилик ва нўқсонларни ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб, тегишли хулосалар чиқариб олишдан иборат эканини таъкидлади.

Даставвал Ҳомийлик кенгаши ўтган галги йиғилишларида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши билан боғлиқ масала муҳокама қилинди. Мазкур масалага бағишлаб 2002 йил 29 декабрда ва 2003 йил 7 февралда жамғарма Ҳомийлик кенгаши мажлислари ўтказилганди. Уларда жамғарманинг мақсад-вазифалари ва фаолият йўналишлари, марказий идораси ва жойлардаги тузилмалари ҳақида, умуман, мана шу янги ташкилот билан боғлиқ барча ташкилий, молиявий масалалар тўғрисида атрофлича фикрлашиб олинган эди.

Хусусан, 7 февралдаги мажлисида жамғарма фаолияти бўйича ҳар бир мутасадди идора ва ташкилот, барча раҳ-

Миллат келажаги учун яшаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи керак. Агар шу эзгу ният билан яшасак, уни амалга ошириш учун курашсак, бошлаган ижобий ишларимизни охирига етказсак, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонимизнинг келажаги буюк бўлади.

Ислол КАРИМОВ.

барлар зиммасига аниқ вазифалар юклиниб, болалар спорти борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос табиий иқлим шароити ва анъаналарига мос келадиган истиқболли спорт турларини танлашда илмий асосда ёндашув, спорт мактаблари ва секцияларнинг ишини тўри ташкил этиш, ўқувчилар қалбида спортга қизиқиш, ҳавас ва интилишни тарбиялаш муҳимлигига алоҳида урғу берилганди.

— Албатта, ўтган вақт мобайнида жойларда бу йўналишда бирмунча ишлар қилинганини айтиб ўтиш лозим. Лекин, биз ўз олдимизга қўйган юксак талаблар нўқтани назардан мавжуд вазиятга баҳо берадиган бўлсак, афсуски, ишларнинг аҳоли қониқарсиз эканини кўрамиз, — деди Президентимиз.

(Давоми 2-бетда)

XXI сағоси
Барча маълумлардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Кеча Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси томонидан «Оилани мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришда маҳалланинг ўрни» мавзусида семинар уюштирилди.

• Тошкент Давлат шарқшунослик институтида мазкур институт нашриётида чоп этилган «Америка Қўшма Штатлари» китобининг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Унда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ж.Хёрбест иштирок этди.

• Жорий йилда Бухоро вилоятида 20 та шаҳар ташкарисидаги ва 42 та мактаблар қошидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 16 минг нафар мактаб ўқувчилари кўнгилли ҳордик чиқарилади.

• Сурхондарё вилоятининг Жарқўрган туманидаги «Халқобод» ва Музрабод туманидаги Абдулла Набиев номи ширкат хўжаликлари давлатга галла сотиш режасини республикада биринчи бўлиб уддалашди.

• Ёзёвонлик фермер Шокиржон Аҳмадалиев Обод маҳалла йилида хайрли ишга қўл урди. Қорасув қишлоқ аҳолисини сув билан таъминлаш мақсадида 1 миллион сўмлик наос ўрнатди, шунингдек, 2 минг метрлик сўкмоқ йўлини асфальтлаш ишларини ҳам ўз зиммасига олди.

Жаҳонда

• Кеча Мадрид шаҳрида яқунланган НАТО ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг икки кунлик учрашувида халқаро хавфсизликка жиддий таҳдид солаётган терроризмга қарши кураш бўйича хужжат имзоланди.

• АСЕАН мамлакатлари, Хитой, Япония ва Корея Республикаси иштирокида гайриоддий зотилжам хасталигини даволаш ва унинг олдини олиш масалаларига бағишлаб ўтказилган халқаро симпозиумда Хитой давлати вакили жаҳон ҳамжамиятини мазкур хавфли касалликка қарши курашда ҳамкорликни кучайтиришга чакирди.

• Испаниянинг Мадрид ва Мурсио шаҳарларини боғлаб турувчи темир йўлда йўловчи ва юк ташувчи поездларнинг тўқнашуви натижасида 11 киши ҳаётдан кўз юмди.

• Панамада бўлиб ўтган «Жаҳон гўзали—2003» танловида Доминикан республикаси вакили 18 ёшли мактаб ўқувчиси Амелия Вега голиб чиқди.

Пойтахтнинг Дура кўни

Янгиликлар, воқеалар

Қисқарди

□ **БУГУН** Ҳамза туманидаги 282-мактабда «Маънавият ва маърифат» маркази, хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари ташаббуси билан «Ўз ҳуқуқини биласанми?» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

□ **БУГУН** Чилонзор туманидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ҳамда боғ маъмурияти ташаббуси билан Бутунжаҳон атроф-муҳитини муҳофаза қилиш кўнига бағишланган байрам дастури бўлиб ўтди.

□ **БУГУН** Ўзбекистон Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти ўзининг 70 йиллигини кенг нишонлади.

□ **БУГУН** Замонавий санъат марказида француз фоторассоси Северин Ваецилиннинг «Менинг Нормандия қадимда ва бошқа йўл сари» мавзусида ташкиллаштирилган кўргазмаси ниҳоясига етди.

□ **КЕЧА** Чилонзор туманидаги «Наққошлик» маҳалласида Проект ХОУП халқаро Соғлиқни сақлаш жамғармасининг ЮСАИД билан ҳамкорлиқда «Ўзбекистонда силга қарши курашиш» дастури доирасида аҳоли орасида санитария-оқартув ишларини олиб бориш мақсадида семинар бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

«БАРКАМОЛ АВЛОД — 2003»

ОМАД ЁР БЎЛСИН, СПОРТЧИ-ЁШЛАР!

Бугун Андижонда, вилоят марказидаги янги иншоот — 20 минг томошабинга мўлжалланган катта ва кўркам, замонавий жиҳозланган стадионда мамлакат ёшларининг гўзаллик, нафосат, шижоат байрамига айланаб кетган «Баркамол авлод — 2003» спорт ўйинларининг Республика босқичи бошланади.

«Баркамол авлод» спорт мусобақалари умидли, истеъдодли, ғайратли ёшлар учун бир имтиҳон — синов вазифасини ўтайди. — дейди биз билан суҳбатда шаҳар Урта махсус касб-хўнар таълими бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Озода Каримова. — Ушбу мусобақаларда тизимимиздаги 120 та коллеж ва лицейларнинг 83.000 дан ортиқ ўқувчилари орасидан шаҳар миқёсида голибликни кўлга киритган 160 та спортчи ёшлар пойтахт шарафини спортнинг 14 тури бўйича ҳимоя қиладилар. Шаҳар Урта махсус касб-хўнар таълими бошқармаси бошлиғи Мираббос Азимов бошчилигидаги ҳакамлар, мураббийлар, шифокорлардан иборат делегация аъзолари ҳам ушбу нуфузли мусобақада спортчи-ёшларимизга ёндашадилар.

Баркамол авлод байрами дўстлик, тинчлик тимсоли бўлиб, ноёб истеъдодлар, умидли ёш спортчиларни юзага чиқаришга хизмат қилади.

Мурасисиз курашлар, баҳсларда спортчи ёшларимизга омадлар тилаб қоламиз.

(Ўз муҳбиримиз)

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ УЧУН ЯШАШ — БАРЧАМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари биринчи галда мамлакатимизда болаларнинг спорт билан шуғулланиш даражаси қандай эканига эътиборни қаратди. Республикада 6 миллион 528 миң нафар 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган бола бор. Бу масала юзасидан ахборот берган жамғарма раиси А.Мирқосимовнинг айтишича, бугунги кунда ана шу болаларнинг атиги 432 миң нафари, яъни 6,7 фоизигина спорт билан мунозаам шуғулланади. Халқ таълими вазири Р.Жураев эса бу борада бошқароқ раҳбарларни айтди. Унинг сўзларига қараганда, республикамиз бўйича ҳозир қариб 26 фоиз бола спорт билан доимий равишда машғул.

- Гап раҳбарларда эмас, - деди Юртбошимиз. - Асосийси, бу раҳбарлар, кўрсаткичларнинг бугун қилаётган ишимизга қараб эртага ўсиши, ўзгаришидир. Хўжақўрсинга рақамбозлик қилишдан кўра, соғлом авлод тарбияси муҳим эканини унутмайлик. Бу борада барча ишларимиз мавсумий эмас, давоми, чуқур ўйланган бўлмоғи даркор.

Президент йилгиланган эътиборини мамлакат миқёсида қанча спорт иншоотлари мавжудлигига улардан неча фоизи ишлатиб қаради. Маълумотларга кўра, республикамиздаги мавжуд спорт иншоотларидан 30-40 фоизи ишламоқда.

Спорт иншоотларидан тўлиқ фойдаланилмаётганининг асосий сабаблари спорт мураббийлари етишмаслиги, жойлардаги мутасадди раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, замонавий спорт анжомларининг қамлиги билан боғлиқ муаммолар эканлиги айтиб ўтилди.

Президент жойлардаги ишлайми турган спорт иншоотлари билан боғлиқ барча муаммоларни ўрганиб чиқиб, уларнинг ечимини топиш ва ҳал этиш, мавжуд спорт иншоотларини тўғри, қонуний ва фойдали ишлатишни таъминлаш бўйича махсус комиссия тузиш юзасидан тегишли топшириқлар берди.

Мақтабларда жисмоний тарбия дари ҳафтага икки соатни ташкил этади. Кишлоқ мактабларида эса қиш мавсумида бу дарс ҳам тўла ўтилмайди. Мамлакатимиз раҳбари алоқадор вазирликлар зиммасига ушбу масалани кўриб чиқиш вазифасини юклди.

Спорт билан шуғулланадиган ҳар қандай инсон ўзини яхши кўради, ўзини ҳурмат қилади. Бошқача айтганда, ўзини яхши кўрадиган одам спорт билан шуғулланади, фарзандларини ҳам спортга жалб этади. Буни қўллаб-қувватлашимиз, аҳоли орасида спорт маданиятини юксалтиришга эришимиз керак, - деди Юртбошимиз. - Аммо кишилариимизнинг кундалик эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамиятга эга дўконлар оҳансалар ўрнида турли кўнгилочар жойлар, хусусан, биллиардончалар қуришини спортга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Президентимиз болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳаларини тасдиқлаш билан боғлиқ масалага тўхталди, ҳар бир лойиҳа жойларда ҳокимлар ва мутахассислар иштирокида чуқур ўрганилиб, тақдирлар танқидий мулоҳазалар асосида тасдиқланиш мақсада мувофиқ эканини айтди. Жойларда Андижон, Хоразм ва Бухоро вилоятлари марказларидаги каби стади-

онларни барпо этиш тажрибасини ҳар томонлама пухта ўрганиб, уни асос қилиб олиш ва амалда таъбиқ қилишни тавсия этади.

- Ҳаммамиз тушунамиз - ҳокимларнинг зиммасидаги масъулият катта, уларга ишониб топширилган вазифалар бир-биридан муҳим, — деди Ислам Каримов. - Албатта, пахта ҳам, галла ҳам керак. Аммо бу ишларнинг ўз эгаси - деҳқон бор, фермер бор, тегишли мутахассислар бор. Уларга ҳалақат бермасангиз бўлди, ўзлари ишени биллиқ қилаверади.

Ҳокимнинг раҳбарнинг энг асосий вазифаси - аввало, мамлакатда олиб борилаётган давлат сийосатини, унинг устувор йўналишларини, стратегик мақсадларимизни тўғри тушуниш, одамларнинг, ёшларимизнинг эртанги кунини ўйлаш, бунинг учун муносиб шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Эртанги кунимиз, миллатимизнинг келажаги, авваломбор нимага боғлиқ? Ҳозирдан аёнки, бу биринчи галда фарзандларимизнинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол вояга етишига боғлиқ.

- Биз ана битта бюрократик ташкилот тузганимиз йўқ, - деб таъкидлади Президент. - Шунинг учун бўлар-бўлмас одамларни - ҳар хил таниш-билишларни бу ишга тикиштириб, яхши ният билан бошланган ҳаракатимизнинг обрўсини туширмаслик керак.

Болалар спортини ривожлантириш деган иборанинг асл мазмун-моҳияти нима? Бу тушунчанинг замирида нималар муҳимасам? Давлатимиз раҳбари мажлис аҳлининг эътиборини ана шу масалаларга қаратди.

- Барчангиз бир ҳақиқатни яхши тушуни олишингизни истардим, - деди Ислам Каримов. - Болалар спортини ривожлантириш дегани - ҳамма профессионал спорт билан шуғуллансин, ҳамма чемпион бўлсин, дегани эмас.

Ёшларимиз орасидан чемпионлар етишиб чиқиши, жаҳоннинг энг нуфузли майдонларида байрогимизни кўтариб, Ватанимиз шаънини бутун дунёга таратиши қувонарли, албатта. Бундай галабалар ҳар биримизга гуруҳ-ифтихор бахш этишни ҳаммамиз тан оламиз. Бугунги кунда ёш ўғил-қизларимиз орасидан ана шундай чемпионлар етишиб чиқапти ва бундан кейин ҳам чиқаради. Бунинг ҳам зарур чора-тадбирларини кўраймиз. Мен ишонаман - бу ишлар албатта ўз натижасини беради.

Биз мазкур жамғарма орқали аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб мақсадларни кўзлаганмиз. Болаларимиз соғлом бўлса, миллатимиз бақувват бўлса, ҳаёт синовлари ва қийинчиликлардан кўрқмайдиган, иродаси мустаҳкам бўлса, энг муҳими шу. Мана шу гоя учун жон қуйибди яшаш ва ишлэш керак. Бунинг учун, аввало, ишени тўғри ташкил этиб, малакали, ишинг кўзини билдирган кадрларни жой-жойига қўйиб, тарғибот-ташвиқот ишларини тўғри олиб бориш даркор. Токи одамларнинг ўзи бу ишнинг моҳияти ва аҳамиятини тўлиқ тушуниб етсин.

Мамлакатимиз раҳбари бу йўналишдаги тарғибот-ташвиқот ишлари ҳақида сўзлар экан, спорт журналистларимиз бу борада етарлилик фаоллик ва фидоийлик кўрсат-

маётганлигига эътиборни қаратди. Телевидение ва радио, газета-журналлар бу масалани нечоғли долзарб аҳамиятга эга эканини ёритишда сусткашликка йўл қўймоқда. Энг ёмони, журналистларимизда билгим ва малака, ҳаётий тажриба етишмапти.

Шуларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, оммавий спорт тарғиботини ривожлантириш ҳақида ҳукуматимизнинг махсус қарорини қабул қилсак, ҳар томонлама тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Ушбу қарорда спорт журналистикаси соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг ўзига хос миллий тизимини шакллантириш, спорт насларни ва бу соҳага иқтисодлашган бошқа оммавий ахборот воситаларининг моддий-техникавий базасини яхшилаш, спорт журналистларини рағбатлантириш чора-тадбирлари белгиланб берилиши керак. Ҳайлиманки, шу мақсадда мамлакат телевидениесида махсус «Спорт» каналини ташкил этиш ўринли бўлади.

Мустабид тузум даврида кўпчилигининг онига чуқур ўрнашиб қолган ноҳус бир одат, афсуски, бизнинг ҳаётимизда ҳали-бери яшаб келмоқда. Бу одат, лўнда қилиб айтганда, лоқайдлик, беғамлик, масъулиятсизликдир. Кўпчилигимиз ўз умрини яшаб бўлган эски тушунчалар, тараққиётга ғов бўлаётган эскича муносабатларга кўнчиб кетганимиз. «Бизга шу ҳам бўлаверди», деган қарашни табиий ҳол деб қабул қиламиз.

Йўқ, энди очик, баралла айтиши керак: энди бундай яшаб бўлмайди. Энди лоқайдлик, колоқликни тугдирадиган, тараққиётимизга тўсиқ бўладиган бундай қарашларга мулкко чек қўйиш керак. Энди ҳаммамиз бутунлай янги - бугун замоннинг ўзи тақозо қилаётган талаблар билан яшашимиз, ҳаётга муносабатимизни тубдан ўзгариштиришимиз, болаларимизнинг дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаслиги учун кўлимиздан келган, имконимизда бўлган барча ишни қилишимиз, миллат келажаги учун ёниб яшашимиз зарур.

Миллат келажаги учун яшаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи керак. Агар шу эзгу ният билан яшасак, уни амалга ошириш учун курашсак, бошлаган ишвий ишларимизни охирига етказсак, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонимизнинг келажаги буюк бўлади, деди пировардида Президентимиз.

Мажлисда жорий йилда республика ҳамда худудлар миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури ва жамғарманинг 2003 йил бюджетини тасдиқлаш, спорт анжомлари, кийим-кечаклар ва чарм-полафзал маҳсулотларини ўзимизда ишлаб чиқариш, болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳаларини тасдиқлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Ушбу масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тулаганов, «Ўзбекнеғилсанот» давлат акциядорлик компанияси раиси Ҳ.Исмоилов, соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, «Қишлоқмуоҳирметаллоптин» давлат концерни раиси Н.Кучерский ва бошқалар ахборот берди.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳулом МИРЗО,
ЎЗА шарҳловчиси

Ўзбекистон

Япония:

ИСТИҚБОЛНИ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК БЕЛГИЛАЙДИ

4 июнь кунин Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон кўмиталарининг еттинчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Ўзбекистон-Япония кўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов ҳамда Япония-Ўзбекистон кўмитаси раиси, «Мицуби энд Ко., Лтд.» компанияси бошқаруви раиси Нобуо Охаси бошқарди.

Анжуманда таъкидланганидек, мазкур кўмиталарнинг ташкил топганига ўн йил бўлди. Бу даврда Ўзбекистон мустақил давлат сифатида катта йўлни босиб ўтди. У дунё мамлакатлари, жумладан, Япония билан алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириб келмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 1994 йил баҳорида ва 2002 йилнинг ёзда Японияга ташрифлари Кунчирак мамлакат билан ҳамкорлигимизнинг янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этди. Япония компания ва фирмаларининг Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича кўрсатаётган барча ташаббуслари ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Япония Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий ислохотларни эътибор билан кузатиб бормоқда.

Мамлакатингизда эришилаётган муваффақиятлар бизни қувонтиради, — деди Нобуо Охаси. — Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон билан Япония ўртасида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлик янада кенгайди ва мустаҳкамланди. Япония Ўзбекистонда катор соҳаларда амалга оширилаётган иқтисодий лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда. Бундай ҳамкорлик истикболда самарали давом эттиришига ишончимиз қомил. Президент Ислам Каримовнинг Японияга ташрифлари эса икки давлат муносабатлари тарихида алоҳида ўрин тутади.

Бу галги мажлисда ҳам Ўзбекистон билан Япония ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболлари муҳокама қилинди ва икки томоннинг ушбу ҳамкорликни мустаҳкамлашга умумий интилиши намоён бўлди.

Мажлис сўнгига Ўзбекистон-Япония ҳамда Япония-Ўзбекистон кўмиталарининг еттинчи қўшма мажлиси ақунлари бўйича протокол имзоланди. Мазкур ҳужжатда икки мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ўз ақсини топган.

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Венгриянинг Будапешт шаҳри мэр Габор Демски раҳбарлигидаги делегация аъзолари 4 июнь кунин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлди.

Олий Мажлис котибияти раҳбари А.Эрқажуев меҳмонларга мамлакатимизда парламентчилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳусусида сўзлаб берди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида эса Будапештлик меҳмонлар иштирокида Тошкент ва Венгрия ишбилармон доиралари вакилларининг бизнес-анжумани бўлиб ўтди.

ЎЗА.

• ҲАМКОРЛИК КИРРАЛАРИ

Илгари хабар қилинганидек, мамлакатимизда Будапешт шаҳри мэр Габор Демски раҳбарлигидаги Венгрия делегацияси меҳмон бўлиб турибди.

КЕЧА
Ўзбекистон Бадий академиясининг замонавий санъат марказида «Будапешт — тарих кўзгуси» фотокургазмасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов ва Будапешт шаҳри мэр Габор Демски иштирок этди.

100 дан ортиқ ноёб фотоасарлар бўлиб кўргазма экспонатлари Венгриянинг тарихини унинг бош шаҳри меъморчилиги қуришишда акс эттирган. Замонавий Будапешт эса ўрта асрларга мансуб яхши сақланиб қолган тарихий меъморчилик обидаларига бой шаҳардир. Бугунги кунда Будапешт шаҳрида дворянлар саройлари, черков бинолари қатрида, шунингдек, XVIII асрда қурилган кўпгаб турар жой иншоотларини ҳам учратиш мумкин. Уша даврда Будапешт ўрнида учта мустақил шаҳар — Пешта, Буда, Обуда мавжуд бўлиб, улар Венгриянинг бугунги пойтахтига 1873 йилда биришган. Янги шаҳарда аста-секин кенг магистрал

йўллар, меъморий мажмуалар барпо эта бошланди. Буюк Дунай соҳиллари, шаҳарнинг алоҳида-алоҳида жойлашган қисмлари кўприклар орқали боғланди. XIX асрда бунёд этилган маъмурий-маданий муассасалар, вокзаллар, ерости темир йўллари, санат-тижорат мажмуалари ўшандан буюн нафақат Будапештнинг асосий қисмига айланган, балки айти пайтида ЮНЕСКО қарорига мувофиқ бир неча асрлар давомида шаклланган ва Венгрия пойтахтининг кўрқини белгиловчи ноёб меъморий обидалари жаҳон маданияти казинасидан ўрин эгаллаган.

Туризм Венгрия иқтисодиётида жокори поғонада туршиш ҳам бежиз эмас (бу соҳа янги ички маҳсулот ҳақмининг 10 фоизини ташкил қилади). Будапешт марказида жойлашган Дунай дарёси ҳамда Крепост тоғи манзараларидан баҳраманд бўлиш учун йилига Венгрияда 30 миллиондан зиёд хорижий меҳмонлар келиб қетади. Шундан 50 фоизини сайёҳлар ташкил этади. Чунини, 2002 йил-

нинг биринчи ярмида ушбу сектордан тушган даромадлар 1,6 миллиард еврони ташкил этса, сайёҳлар сони 7,2 миллион кишидан иборат бўлди. Сайёҳларнинг 25 фоизини Европа Иттифогий давлатларига тўғри келади.

Бу маълумотлардан нафақат «Будапешт — тарих кўзгуси» кургазмасига ташриф буюриб воқиф бўдик. Бу ҳақда Тошкент шаҳар ҳокимлигида шу кун тадбиркорлик тузилмалари иштирокида бўлиб ўтган бизнес-семинарда ҳам сўз борди. Венгрия томонидан семинар ишида мамлакат Ташқи ишлар вазири ўринбосари Жеро Боро, Будапешт тадбиркорлигини ривожлантириш жамғармаси директори Миклос Наги, Россия Федерациясидаги Венгрия элчихонаси маслаҳатчиси Жолт Чутора, бошқа соҳа мутахассислари қатнашди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуқажор Тўхтаев олиб борган семинар давомида икки пойтахт шаҳар иқтисодий салоҳияти тўғрисида ахборотлар билан алмашилди. Бугунги

кунда Ўзбекистонда Венгрия сармояси иштирокида 12 та қорқона фаолият юритмоқда. Шундан 8 таси Тошкент шаҳридадир. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосини электротехника, энергетика, фармацевтика, хизмат қўраетиш соҳаси тармоқлари ташкил этади. Икки мамлакат ўртасидаги йиллик товар айланмаси 8 миллион долларга тенг.

Семинарда Ўзбекистон ва Венгриянинг иқтисодий имкониятларидан ананда кенгрок ва самаралироқ фойдаланиши, мамлакатимизга кириш ва ўрта бизнес тармоқларини ривожлантириш учун вевосити сармояларни жалб қилиш, озиқ-овқат, қайта ишлаб чиқариш санатига технология асбоб-ускуналар олиб келиш, шу жумладан қишлоқ ҳўжаллиги ҳўтиёжларига мини-технологияларни ҳам киритиш, банк фаолиятида маслаҳат тарзида ўзаро тажриба алмаштириш каби қизиқарли тақдирлар билдирилди.

Бугун
венгриялик меҳмонлар Хива ва Урганч шаҳарларидagi тарихий обидалар билан танишиш учун Хоразм вилоятига жўнаб кетишди.
Ильмира ШАРАФУДИНОВА

«БУДАПЕШТ — ТАРИХ КЎЗГУСИ»

(Давоми. Боши ўтган сонда)

«Жигули» ҳамон ғизиллаб борарди. Бердиев бу ёқларни яхши билади: «Местный кадр», «XXV партсъезд» совхозининг собиқ директори Панжи Жуманов билан ҳамраҳлиги...

Машина совхоз марказига етиб келди чоғи, хийла обод манзара кўринди. Кўчанинг бир томони — гулзор. Уруш қурбонларига ўрнатилган дид-сизгина ҳайкал. Бир ёқда икки қаватли бино. Совхоз идораси бўлса керак, мрамар «шуба» билан сувалган. Ундан нарида теласига «Чайка» деб ёзилган ёзги кинотеатр. Йўл четида рус ва ўзбек тилларида ҳар бири одамдек ҳарфлар билан ёзилган шор: «Пахта — ўзбек халқининг интернационал бурчи!»

Зум ўймай, марказ ортада қолди. Тупроғи ўймай ётган қишлоқ кўчасига кирдилар. Кўча четида замонавий бетон симёғочлар. Суви қуриган цемент арик. Аксариятининг девори оқланмаган уйлар. Баъзиларининг томи шифер билан ёпилган. Теласида телевизиор антеннаси. Баъзилари сувқили том. Устига ғўзапоя бостириб қўйишди. (Шунинг учунми, уйлар янаям пасткам кўринади.) Деҳқон халқи тadbирли бўлади. Бу ёқларда ғўзапояни ўтин ўрнида ишлатишлари Корягиннинг қулоғига чалинган эди. Холбуки, район марказидан магистраль газ қувири ўтган. Нари борса, ўн беш чакрим... Начора, газдан кўра ғўзапояни афзал кўрса — ўзининг иши.

«Жигули» бўёғи уникқан дарвоза олдида тўхтади.

— Келдик! — Бердиев машинадан тушиб, дарвозага борди. — Марҳамат! — деди худди ўз уйига тақлиф қилаётгандек. Дарвозани тақиллаб ўтирмади. Кафти билан итарган эди, бир тавақаси ғийқиллаб очилди. — Келаверинг, Василий Степанович.

Корягин дарвозадан кирибкоқ тўхтаб қолди. Эҳ-ҳэ, ҳовлимас, бутун бошли оғорд-ку бу! Бемалол кўпқаватли иморат курса бўлади! Ҳар ким шундан ерни эгаллаб олаверса...

Разм солиб, бир нарсани англади. Ҳовли катта бўлгани билан бир қарич ҳам бўш жой йўқ эди. Бир томонда помидор, картошка, бодиринг пушталари. Бир томон жўхоризор. Сўталари йиғиб олинган, аммо сарғайган поялари сўлпайиб турибди. Нариеқ олмазор... Урик, олча дарахтлари... Корягин умрида кўрмаган яна аллақандай дарахтлар ҳам бор.

Корягин беихтиёр Бердиевга эргашиб чап томондаги бостирма олдида борди. Бостирмада чағ ўтиравериб, рангини аниқлаб бўлмайдиган аҳволга келган АЗЛК «Москвич» машинаси турибди. («Тўғри, протоколда қайд этилган») Машина ёнбошида битта зангалан канистр, иккита пачоқ фляга думалаб ётибди. Унга туташ яна бир бостирма. Қозикқа болган ола сигир эринчоқлик билан жўхориюя қавшайди, устига кўнган хира пашшаларни думи билан ҳайдайди. Бир чеккада ёнбошига тезак ёпишган бузоқ ётибди. Корягин бостирмининг пасткам бурчагида болғоғли турган эшакни дафъатан кўрмаган экан. Эшак узун қулоқларини диққатириб, шу томонга ҳоргин қараб турди-да, бир-икки хирқиллади. Кейин, нола қилгандек ханграб юборди. Корягин ҳовлини яна бир қарра кўздан кечириб чиқишга улгурди. Бурчақда тандир. Ёнида ошоҳна: қия эшигидан кўкимтир тутун чиқаяпти. Этак томонда икки уй, олди айвон. Рўпарадаги тоқнинг ёғоч сўйрлари том устига чиқариб юборилган. «Ҳамма гап — мана шу пасткам уйларда! Ўзини бечораҳол кўрсатади-ю, полни кўчирсангиз, тағидан бир хум олтин чиқайди!» Дарвоқе, ёнбош тарафда яна бир уй қурила бошлаган. Ҳом ғиштдан девор кўтарилган-у, томи ёпилмай, чала қолган. Кўнглида ҳайрат аралаш надоматга ўхшаш туйғу уйғонди. Аллақайси газетда ўқиган мақола эсига тушди. Қизик одамлар! Бир қарасанг, туриш-турмуши бу — ғирт қаш-

шок! На одамлардек обстановка қилади, на курортга боради... Нукул пул йиғади. Жиноят курсисига ўтиришдан ҳам қўрмайди. Ўн йил, ўн беш йил тўплайди-да, бир кечада ошомга совуриб тўй қилади. Кейин яна йиғади. Биттаси — мана шу Жумановми! Ўқимишли, олий маълумотли... «маданиятли»сининг аҳволи шу бўлса, бошқалардан ўпкамаласа ҳам бўлади... Миллионер — гадоллар!

Ниҳоят эшак энтика-энтика жимиб қолди. Бердиев турган жойида уй эгаларини чақирди. Ошхонанинг қия очиқ эшигида бошига эски рўмол танганган қоп-қора, озгин кампир кўринди. Рўмол тағидан оқарган сочлари тўзғиб чиққан, гулдор қўйлагининг энгини шимариб олган, қопдек кенг қўйлак беўхшов халпираб турарди.

— Латта ўралган швабрага ўхшайди, — деб ўйлади Корягин. Ажаб, кўнглида армон эмас, қизиқиш уйғонди. — Бунақа ҳаётга қандай чидайди шўрликлар... Кўникиб кетган-да! «Одамзоднинг энг катта бахти — кўника билиш. Одамзоднинг энг катта фожиаси — кўника билиш... Ким айтган эди?» Эслай олмади.

Кампир шошиб қолди. Билаклари-

Бердиев кулимсираб, уларга бир нималарни тушунтирар (эҳтимол, ниманидир сўрар) эди. Болалар негадир илжайиб, жавоб қилади, папкасини муттасил саланглади. Бирининг бўйнида галстук, иккинчиси галстугини ечиб, шимининг чўнтагига суққан, киссасидан бир учи чиқиб осилиб турибди. «Жумановнинг эғизаклари. Бешинчи синфда ўқийди. (Буям протоколда бор)», — деб ўйлади Корягин.

Бердиев нимадир деган эди, болалар чуғур-чуғур қилиб уйга кириб кетди. Аёл пахта гулли чойнак, тўртта пиёла (қизик, нега тўртта?) келтириб хонтахтага қўйди. Корягин беихтиёр тагин экан солди. Йўқ, ҳар қалай хотини Жумановдан қари кўринади. Анча қари! Пешонасини ажин босган, кўзлари ҳоргин... Айниқса бўйни: тошбақанинг косасига ўхшайди. Қайнонаси Надежда Васильевнанинг гапи лоп этиб эсига тушди. «Хотин киши бўйнидан қарийди. Хотинни ҳам қаритмайди, эр қаритади». Нақадар доно аёл Надежда Васильевна! Уятсиз Жуманов! Ўзи пулни пул билан ўйнаган, суяқ аёллар билан ишрат қилган. Шўрлик хотин бўёқда... Феодали!

Айвон зинасида тапир-тапир эшитилди. Мактаб формасини ечиб,

надан ошиб ўтмоқчи бўлди-ю қоқилиб кетди. Юзтубан йиқилиб, овози бори-ча йиглаб юборди. Бердиев ўрнидан илдам туриб, ўша томон юрган эди, ошхонадан аёл отилиб чиқди. Йўлайлақай алланима деб жавради. Бердиев айвон пешига етиб бормасдан ўй оstonасида эғнига эски атлас қўйлак қийган, узун сочини иккита қилиб ўрган қиз пайдо бўлди. Унг бикинини чағгаллаганича, энгашиб болага қўл чўдади.

Корягиннинг юраги орзиқиб кетди. «Наташенька билан тенг бўлиши керак». Қизнинг аллақаси чиндан ҳам Наташенькага ўхшаб кетарди. Бўйбастими, оппоқ юзими... Йў-ўқ! Наташа бунақа килтирикмас, ранги ҳам захил эмас, соғлом, ўктам...

Аёл юғриб келиб болани қизнинг қўлидан олди. Бағрига босганча уйга кириб кетди. Атлас қўйлаки қиз айвон ўртасида тўхтаб қолган Бердиевга салом берди. Корягин унинг кўзларида катталарга хос алланечук чуқур маъно борлигини дафъатан идрок этди. Бердиев нимадир сўраган эди, қиз бир зум сўзсиз-содасиз тикилиб турди-да, бикинини чағгаллаган қўйи уйга кириб кетаверди.

Ичкаридан аёлнинг эркаловчи овози эшитилар, бола ҳамон ғингшиб йилгар эди. «Эри қамалмаса бу ҳам Қаҳрамон она бўлармиди... Бир эмас, бешта бола. Нима зарил? Унта нимжон болани бахтсиз қилгандан кўра битта соғлом болага бахт берган яхши эмасми?»

Корягин яна хаёл олиб қочди. Наташенька кичкиналигида жуда йилғоқи эди. Эр-хотин оқшомлари Сокольниковка чиқиб, сайр қилишар, қоляксини итариб бораётган Ольга, қизалоқ ҳадеб йилғаверганидан хуноби ошиб бақриб берарди: «Мен буни ёлғиз ўзим учун туғдимми, ё ўйнашдан ортирдимми? Овут болангни!» Корягин бир қўллаб «лю-лю-лю» деб, қоляксани беўхшов силкитар, иккинчи қўли билан хотинининг елкасидан қучиб, таскин берарди: «Сенга асабийлашиш мумкин эмас, жоним...» Охири Наташенька ухлаб қолар, эр-хотин араз-таразни унутиб, уйга қайтишар (уйлари паррка яқин), лифт қақириб, ўн тўққизинчи қаватга кўтарилишар, шунда Ольга эркаланиб, унинг бўйнига оқсиларди: «Бўлди, Васенька, энди ҳечам тугмайман».

...Ниҳоят, ичкарида бола йилғиси тинди. Аёл айвонга чиқиб, хонтахта ёнига тиз чўқди. Узум бошларини майдалаб, меҳмонларни дастурхонга ундади. Қизик, унинг нигоҳида на асабийлик, на жаҳл сезиларди. Гўё боласини қоляскада сайр қилдириб, энди ухлатган бахтиёр онадек хотиржам ва осойишта эди.

Аёл Бердиевдан кўз узмай, алланималарни гапирди. Узоқ гапирди. Авал вазмин, кейин безовталаниб... Бердиев қулоқ қоқмай тинглаб ўтирар, ора-чора бош ирғаб, маъқуллаб кўярди. Гўё терговчи эмас, тугишган укасидек.

— Нима деяпти? — Корягин хотинининг гапини бўлиб, Бердиевдан сўради.

— Қизи иккинчи марта сарик бўпти. Касалхонада жой йўқмиш...

— Нима, сиз врачисиз? — Корягин гарчанд кўнглида қизга ачинса ҳам, хуноби ошди. Сигарет тутатди.

— Эрим қачон чиқайди, деяпти, — Бердиев аёлнинг шунча гапини лўндагина таржима қилди. — Кўргани борса киритишмабди.

— Узингиз юристсиз-ку, Бердиев! Тушунтириг. Тергов тугамагунча свидание берилмайди.

Бердиев сўзини тугатар-тугатмас, аёлнинг юз ифодасида ҳайрат пайдо бўлди. Бир нималарни тез-тез гапирди.

— Эрим очидан ўлмайди, деяпти. Жумановнинг бод касали бормиш. Эрта-индин совуқ тушса, ҳоли нима келади, деяпти... Халигача кўмир ошлабмабди. Қиш келяпти, нима қиламиз, деяпти.

(Давоми келгуси сонда)

Ўтқир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчисиЎЗБЕК
ИШИ

— ҲИКОЯ —



га бегона эркаклар назари тушиб «гуноҳга ботаётгандек», ҳовлиқиб энгини туширди. Рўмолини қайта ўраб, салом берди. Бердиев билан узоқ омонлашди. Корягинга ҳам алоҳида таъзим қилди. Бир нималарни гапириб, айвон томон йўл бошлади.

Бердиев унинг кетидан эргашаркан, Корягинни ҳам тақлиф этди: — Келаверинг, Василий Степанович.

Кампир шоша-пиша уйга кириб кетди.

Корягин чор-ночор айвон пешига келди.

— Бердиев, — деди имкони бори-ча осойишта гапирिशга уриниб. — Жумановнинг онасига айтинг. Биз зарил иш билан келганмиз...

— Онасимас, хотини... — Бердиев хижолатли илжайди.

«Хотини?! Наҳот шу аёл...»

Уша ондаёқ «кампир» ичкаридан янги кўрпачалар олиб чиқди. Хонтахта атрофига пойандоз тўшаб, оппоқ, озода дастурхон ёзди. Бир зумда тўртта каттакон патир, патнисда олтиндек товланиб турган узум олиб келди. Бердиевга қараб, бир нима деди.

— Дастурхонга тақлиф қилапти, — деди Бердиев аёлдан кўз узаяпти.

— Вақтимиз зик! — Корягин гоҳ Бердиевга, гоҳ «кампир»га қараб, бош чайқайди. Шунда «кампир» унчалик ҳам қари эмаслигини, ҳаракатлари чаққон ва шиддатли эканини ҳис этди.

— Ноқулай бўлади, Василий Степанович! — Бердиев туфлисини ечиб, айвонга чиқди. — Одат шунақа.

Корягин истар-истамас хонтахта ёнига чўққаларкан, кўнглида нохушлик сезди.

«Бошланди! — деди инжи. — Ўргилдим одатларингдан!» — Юзини ўгириб, бир нуқтага тикилиб ўтираверди. Бир маҳал Бердиев эмин-эркин шовқинлаб гапирётганини эшитиб, бошини кўтарди. Айвон олдида бўйбаста баб-баравар иккита бола турди,

оёғига этик қийиб олган эғизаклар бир нима деб гўжур-гўжур қила бошлади. Аёл ошхонага йўналди. Дастурхонда берган нонга айнан ўхшаш битта патирни тенг иккига бўлиб, ярмини унисига, ярмини бунисига берди. Зипиллаб келиб айвон пешига осилиб ётган иккита этакни болаларига тутқазди. Эғизаклардан бири этакни кўлтмига қис-тириб, нон қавшаганча, дарвоза томон етди. Иккинчиси тўсатдан этакни ерга улоқтирди. Турган жойида тепини, бир балолар деб чинқирди. Кўзларида галати ўғниб кетгандай бўлди.

— Пахта тергиси келмаяпти, — деди Бердиев кулимсираб. Ниманидир тушунтирмоқчи бўлган эди, бола унга ёвқараш қилиб, хурпайди.

«Отасига тортган қайсар экан, — деб ўйлади Корягин ундан кўз узмай. — Генетика!»

Хотин ерда ётган этакни силкитиб, чангини қоқди. Тагин болага тутқазди. Алланима деб юпатди чоғи, бола истар-истамас эшик томон юрди. Аёл тагин ошхонага кириб кетди. Нохуш сукунат чўқди. Аллақерда мусича куқулади. Бостирма томонда сигирнинг пишқиргани эшитилди.

— Марҳамат, Василий Степанович! — Бердиев ярим пиёла чой узатди. Корягин чанқанган эди. Чой хўллади. — Узумдан олинг, — деди Бердиев қис-таб.

— Бердиев! — Корягин чимирилди. — Биз меҳмондорчиликка келган эмасми. Чақиринг анави хотинни. Палови керакмас!

Бердиев унга алланечук хотиржамлик билан бир лаҳза тикилиб турди-да, қўлидаги пиёлани дастурхонга қўйди. Ошхона томон қараб овоз берди. «Анга» дедими, «янга»ми, Корягин яхши англамади. Хотин ошхонадан мўралади, сунъийроқ илжайиб жавоб қилди. Нима деганини Корягин тушунмади.

Худди шу пайт уй эшигида икки ёшлардаги қил яланғоч, дўмбоққина ўғил бола кўринди. Ўзича гудраниб осто-

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!!!**Хурматли ишбилармонлар ва тадбиркорлар****«РОУТАХТ АУКСИОН»**

давлат унитар корхонаси 2003 йил 7 июлдан 29 августгача, ҳафтанинг ҳар жума кунлари соат 11.00 да Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида ким ошди савдоларини ўтказди.

Ким ошди савдоларида

Тошкент шаҳрининг қуйдаги манзилларида жойлашган савдо, маиший хизмат кўрсатиш, техник хизмат кўрсатиш мажмуалари ва бошқа биноларни қуриш учун мўлжалланган ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи сотилади:

Т/р	Ер участкасининг жойлашган манзили	Қурилиши кўзда тутилган иншоот	Ер участкаларининг сатҳи, га	Ким ошди савдоларидаги бошланғич нархи, (сўм)	21	Чилонзор т-ни, «Чилонзор-19» мавзе, 2-Қатортол кўч., 1-сон ер уч.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,018	4 255 320
1	Чилонзор т-ни, Қатортол кўч., «Ц» мавзе	Ав-га хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,015	50 000 000	22	Чилонзор т-ни, «Чилонзор-19» мавзе, 2-Қатортол кўч., 1-сон ер уч.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,012	3 374 880
2	Чилонзор т-ни, «Чилонзор-3» мавзе	Маданий дам олиш мажмуаси	0,28	20 449 000	23	Чилонзор т-ни, «Чилонзор-19» мавзе, 2-Қатортол кўч., 2-сон ер уч.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,012	3 374 880
3	Чилонзор т-ни, Тахтагул кўч., «Чилонзор-10» мавзе	Умумий савдо ва оўқатланиш шохобчаси	0,04	3 540 720	24	Чилонзор т-ни, «Чилонзор-10» мавзе, Тахтагул кўч.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,024	3 349 056
4	Чилонзор т-ни, Ал-Хоразмий кўч., «Чилонзор-16» мавзе	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,04	6 426 900	25	С. Раҳимов т-ни, Ниёзов кўч., 4-сон ер уч.	Савдо расталари	0,0144	2 487 171
5	С. Раҳимов т-ни, Қамарнисо кўч.	Нон дўкони	0,01	3 138 600	26	С. Раҳимов т-ни, Ниёзов кўч., 5-сон ер уч.	Савдо расталари	0,0144	2 487 171
6	Сергели т-ни, Янги Сергели кўч., «Сергели-8» мавзе	Маданий-маиший савдо мажмуаси	0,03	5 019 300	27	С. Раҳимов т-ни, Ниёзов кўч., 6-сон ер уч.	Савдо расталари	0,0144	2 487 171
7	Сергели т-ни, Янги Сергели кўч., «Сергели-8» мавзеси	Маданий-маиший савдо мажмуаси	0,03	5 019 300	28	Сергели т-ни, «Сергели-5» мавзе, Г-40, Ом кўч., 1-блок, 1-сон ер уч.	Маданий-маиший савдо мажмуаси	0,03	3 346 200
8	Сергели т-ни, Янги Сергели кўч., «Сергели-8» мавзеси	Маданий-маиший савдо мажмуаси	0,03	5 019 300	29	Сергели т-ни, «Сергели-5» мавзе, Г-40, Ом кўч., 1-блок, 2-сон ер уч.	Маданий-маиший савдо мажмуаси	0,03	3 346 200
9	Сергели т-ни, Янги Сергели кўч., «Сергели-8» мавзеси	Маданий-маиший савдо мажмуаси	0,06	8 828 100	30	Сергели т-ни, «Сергели-5» мавзе, Г-40, Ом кўч., 1-блок, 3-сон ер уч.	Маданий-маиший савдо мажмуаси	0,03	3 346 200
10	Сергели т-ни, Янги Сергели кўч., «Сергели-8» мавзеси	Маданий-маиший савдо мажмуаси	0,06	8 828 100	31	Сергели т-ни, «Сергели-5» мавзе, Г-40, Ом кўч., 1-блок, 4-сон ер уч.	Маданий-маиший савдо мажмуаси	0,03	3 346 200
11	А. Икромов т-ни, Х. Турсункулов кўч.	Ав-га техник хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,1	11 905 500	32	Сергели т-ни, «Сергели-5» мавзе, Г-40, Ом кўч., 1-блок, 5-сон ер уч.	Маданий-маиший савдо мажмуаси	0,03	3 346 200
12	А. Икромов т-ни, ТХЙ, техникавий коридорда	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,06	3 628 800	33	Сергели т-ни, «Сергели-5» мавзе, Г-40, Ом кўч., 1-блок, 2-сон ер уч.	Маданий-маиший савдо мажмуаси	0,03	3 346 200
13	Миробод т-ни, «Кўйлик-3» мавзе	Қаҳвахона	0,02	3 432 300	34	Сергели т-ни, «Сергели-5» мавзе, Г-40, Ом кўч., 2-блок, 2-сон ер уч.	Маданий-маиший савдо мажмуаси	0,03	3 346 200
14	Миробод т-ни, Бехтерев кўч.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,045	3 891 000	35	Сергели т-ни, «Сергели-5» мавзе, Г-40, Ом кўч., 2-блок, 3-сон ер уч.	Маданий-маиший савдо мажмуаси	0,03	3 346 200
15	Миробод т-ни, У. Олимбеков кўч.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,04	3 509 200	36	Сергели т-ни, «Сергели-5» мавзе, Г-40, Ом кўч., 2-блок, 4-сон ер уч.	Маданий-маиший савдо мажмуаси	0,03	3 346 200
16	Миробод т-ни, Тошхўжаев кўч.	Минимаркет	0,02	2 561 600					
17	М. Улугбек т-ни, Х. Абдуллаев кўч.	Дукон	0,025	5 122 675					
18	М. Улугбек т-ни, Х. Абдуллаев ва Раҳматуллин кўч.	Дукон	0,024	4 992 012					
19	Шайхонтоҳур т-ни, Лойиҳада Г-34, Ом кўч.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,06	20 679 000					

37	Сергели т-ни, «Сергели-5» мавзе, Г-40, Ом кўч., 2- блок, 5-сон ер уч.	Маданий-маиший ва савдо мажмуаси	0,03	3 346 200
38	Сергели т-ни, «Сергели-5» мавзе, Г-40, Ом кўч., 2- блок, 6-сон ер уч.	Маданий-маиший ва савдо мажмуаси	0,03	3 346 200
39	Сергели т-ни, «Сергели-8» мавзе, Янги Сергели кўч.	Савдо мажмуаси	0,06	8 239 560
40	Сергели т-ни, «Кўйлик-5» мавзе, Ким-Пен-Хва кўч.	Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,03	3 028 800
41	А. Икромов т-ни, Шайхзода кўч.	Интернет-кафе	0,019	3 189 032
42	А. Икромов т-ни, Лутфий кўч.	Савдо дўкони	0,04	4 977 900
43	Шайхонтохур т-ни, Лутфий кўч.	Ав-га техник хизмат кўрсатиш мажмуаси ва автосалон куриш	0,08	9 455 000
44	Юнусобод т-ни, Т. Зоҳидов кўч.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,02	2 942 240
45	Юнусобод т-ни, Юнусобод-14 мавзе, В. Висоцкий кўч.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,08	14 134 140
46	Юнусобод т-ни, Юнусобод-19 мавзе, В. Висоцкий кўч.	Савдо дўкони	0,04	5 790 800
47	Юнусобод т-ни, Юнусобод-18 мавзе, В. Висоцкий кўч.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,03	4 857 000
48	Юнусобод т-ни, Юнусобод-18 мавзе, В. Висоцкий кўч.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,03	4 857 000
49	Юнусобод т-ни, Юнусобод-18 мавзе, В. Висоцкий кўч.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,03	4 857 000
50	Юнусобод т-ни, Юнусобод-18 мавзе, В. Висоцкий кўч.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,03	4 857 000
51	Юнусобод т-ни, Юнусобод-18 мавзе, В. Висоцкий кўч.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,03	4 857 000
52	С. Раҳимов т-ни, Зиёмов ва Сағбон кўч. бурчагида 1- сон ер уч.	Савдо мажмуаси	0,0144	2 525 477
53	С. Раҳимов т-ни, Зиёмов ва Сағбон кўч. бурчагида 2- сон ер уч.	Савдо мажмуаси	0,0144	2 525 477
54	С. Раҳимов т-ни, Зиёмов ва Сағбон кўч. бурчагида 3- сон ер уч.	Савдо мажмуаси	0,0144	2 525 477
55	С. Раҳимов т-ни, Зиёмов ва Сағбон кўч. бурчагида 4- сон ер уч.	Савдо мажмуаси	0,0144	2 525 477
56	С. Раҳимов т-ни, Зиёмов ва Сағбон кўч. бурчагида	Қаҳвахона	0,024	2 962 224
57	Шайхонтохур т-ни, Уйғур кўч.	Маиший хизмат кўрсатиш уйи	0,016	3 483 656
58	Юнусобод т-ни, «Юнусобод-4» мавзе, Мирзааҳмедов кўч., 74 ва 77-уйлар орасида	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ва спортзал	0,04	5 985 300
59	Юнусобод т-ни, «Юнусобод-15» мавзе, Т. Зоҳидов кўч.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,03	3 984 420

60	М. Улудбек т-ни, Х. Абдуллаев кўч.	Супермаркет	0,06	4 926 000
61	Юнусобод т-ни, Чимкент катта йўлида	Ателье ва дўкон	0,03	3 921 540
62	Сергели т-ни, Чоштепа кўч., 1-сон ер уч.	Хунармандлар растаси	0,009	1 499 265
63	Сергели т-ни, Чоштепа кўч., 2-сон ер уч.	Хунармандлар растаси	0,009	1 499 265
64	Сергели т-ни, Чоштепа кўч., 3-сон ер уч.	Хунармандлар растаси	0,009	1 499 265
65	Сергели т-ни, Чоштепа кўч., 4-сон ер уч.	Хунармандлар растаси	0,009	1 499 265
66	Сергели т-ни, Чоштепа кўч., 5-сон ер уч.	Хунармандлар растаси	0,009	1 499 265
67	Сергели т-ни, Чоштепа кўч., 6-сон ер уч.	Хунармандлар растаси	0,009	1 499 265
68	Сергели т-ни, Чоштепа кўч., 7-сон ер уч.	Хунармандлар растаси	0,009	1 499 265
69	Сергели т-ни, Чоштепа кўч., 8-сон ер уч.	Хунармандлар растаси	0,009	1 499 265
70	Сергели т-ни, «Сергели» даҳаси, Сергели кўч.	Кафе-ресторан	0,03	3 411 000
71	Шайхонтохур т-ни, «Жар-Ариқ» мавзе, 1-сон ер уч.	Савдо растаси	0,0108	2 495 444
72	Шайхонтохур т-ни, «Жар-Ариқ» мавзе, 2-сон ер уч.	Савдо растаси	0,0108	2 495 444
73	Шайхонтохур т-ни, «Жар-Ариқ» кўчаси, 1-сон ер уч.	Савдо растаси	0,0216	3 699 687
74	Шайхонтохур т-ни, «Жар-Ариқ» кўчаси, 2-сон ер уч.	Савдо растаси	0,0216	3 699 687
75	Шайхонтохур т-ни, «Жар-Ариқ» кўчаси, 3-сон ер уч.	Савдо растаси	0,0216	3 699 687
76	Шайхонтохур т-ни, «Жар-Ариқ» кўчаси, 4-сон ер уч.	Савдо растаси	0,0216	3 699 687
77	Шайхонтохур т-ни, «Жар-Ариқ» кўчаси, 5-сон ер уч.	Савдо растаси	0,0216	3 699 687
78	Шайхонтохур т-ни, «Жар-Ариқ» кўчаси, 6-сон ер уч.	Савдо растаси	0,0216	3 699 687
79	Шайхонтохур т-ни, «Жар-Ариқ» кўчаси, 7-сон ер уч.	Савдо растаси	0,0216	3 699 687
80	Шайхонтохур т-ни, «Жар-Ариқ» кўчаси, 8-сон ер уч.	Савдо растаси	0,0216	3 699 687
81	Юнусобод т-ни, «Хасанбой» мавзе, Тикланиш кўч.	Дўкон	0,03	2 506 470

Ер участкаларининг узоқ мuddатли ижарага олиш ҳуқуқининг бошланғич нархларига ер участкасининг лойиҳалаш учун керакли дастлабки ҳужжатлари тўғрисида тайёрлаш харажатлари қўшилган. Ҳужжатлар тўғрисида қуйидагилар қиради:

1. Ер участкасининг чегараси;
2. Меъморий-лойиҳа вазифалари АПЗ-1, АПЗ-II;
3. Топографик сьёмка, масштаб 1:500;
4. Мухандислик-геологик хулоса;
5. Шаҳарсозлик талаблари ва қўриладиган бино эскизи.

Савдоларга юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Аризалар қабул қилиш қиммати савдоси бошланишига бир кун қолганда соат 18,00 да тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархнинг 5 фоизи миқдориди гаров пули тўлашлари шарт. Ер участкаси бўйича узоқ мuddатли ижарага олиш ҳуқуқини сотиш шартномасини савдо ўтказилган куни тузилади.

Қимматли савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-а уй, 201-хона. Телефон: 133-23-40.

ЎЗБЕКИСТОН

Дунёда юрлар кўп — сўлим, улугвор,
Етти иқлим ичра довруги кетган.
Бирова куч-кудрат бобида номдор,
Бошқаси гуллашнинг авжига етган.

Бирни мўъжизага кўмилиб якка,
Илгамас ўзининг илдизларини.
Бирни эҳромларин кўтарса кўкка,
Бирни кўз-кўз қилар денгизларини.

Лекин бир маъво бор юрлар ичида,
Унинг ҳар тошига ҳикмат экилган.
Кутсол тупроғининг ҳар қаричида
Боболарим киндик қони тўкилган.

Унинг йўлларидан, — йўлардим, — нега
Аримас сайёҳу зиёратчилар?!
Юртим, энди билсам, дунё пойингга
Фақат бир ниятда бош уриб келар:

Асрлар қаърига сирдай сочилган
Жаҳон тарихининг бешигин излаб!
Асли бир пайтлари ердан очилган
Еттичи осмоннинг эшигин излаб!

1993

АЛЬБОМГА

Агар Сизга қалбим нидосин
Ташбехларим отқазолмасам,
Таниш куйнинг ўтли садосин
Сатрларим эсга солмасам,
Йиллар ўтиб йиллар кетидан,
Бир нимани сўйламасам гар,
Юрагининг жароҳатидан
Оқ қоғозга томган қатралам,
Ишонман — бир кумас бир кун
Учкун олиб охларимдан жим,
Шу варақлар ловулар бутун,
Оташларга қориб хисларим.
Шунда кўкка ўрлаган фарёб
Бир зум бузар оромингиз ва
Аён бўлар Сизга умрбод
Қалбим ичра аталган тухфа!

1979

КЎТЛОВ

Яна қилиб кўнглини мафтун,
Яна кўмиб қувончга бутун,
Келди олтин ой юзугида
Ёқут кўздай ёнаётган кун.
Олам бирам гўзал бугун Сиз билан,
Севинчим, тугилган кунингиз билан!

Чечаклар ҳам сочар севинчин,
Қошингизда эгилганча жим.
“Сунбула”нинг наволарида
Оқиб ётар менинг соғинчим.
Олам бирам гўзал бугун Сиз билан,
Соғинчим, тугилган кунингиз билан!

Юришларда байрам ҳаваси,
Кулишларда висол нашъаси.
Ишваларда, қарашмаларда
Барқ уради баҳор нафаси.
Олам бирам гўзал бугун Сиз билан,
Яшилим, тугилган кунингиз билан!

Бахт тиларман Сизга ҳамнафас,
Сиз-ку борсиз — қайгулар абас,
Сиз-ку борсиз — шоир дилидан
Оқайтган кўшиқ тугамас.
Олам бирам гўзал бугун Сиз билан,
Кўшигим, тугилган кунингиз билан!

1979

МУҲАББАТ

Бахтиёр йилларнинг севинчин
Етахлаб ёшлик ғам ўтар жим.
Тахтиндан биргина илинчим, —
Фақат сен кетмагил, муҳаббат,
Дилни тарк этмагил, муҳаббат!

Майлига, дўстларсиз қолсам ҳам,
Армонли уларга толсам ҳам,
Меҳримни тошларга солсам ҳам,
Фақат сен кетмагил, муҳаббат,
Дилни тарк этмагил, муҳаббат!

Кетсалар, кетсинлар санамлар,
Васлингдан беҳабар беғамлар,
Олтинга ёлланган “шинам”лар,
Фақат сен кетмагил, муҳаббат,
Дилни тарк этмагил, муҳаббат!

Юз бурган омадга кўшилиб,
Узилган умидга кўшилиб,
Тўзиган давлатга кўшилиб,
Фақат сен кетмагил, муҳаббат,
Дилни тарк этмагил, муҳаббат!

Билсанг, — бору йўғим ҳам сенсан,
Кўксимдаги чўғим ҳам сенсан,
Бошим узар тугим ҳам сенсан,
Фақат сен кетмагил, муҳаббат,
Дилни тарк этмагил, муҳаббат!

Сенсиз пуч ҳисобдир бу дунё,
Туганмас азобдир бу дунё,
Бир юзсиз қазобдир бу дунё,
Фақат сен кетмагил, муҳаббат,
Дилни тарк этмагил, муҳаббат!

1983


• ШЕЪРИЯТ ГУЛШАНИ

ФАҚАТ СЕН КЕТМАГИЛ, МУҲАББАТ!..

Чинакам шеър гўзалликка шайдо кўнгли-
нинг ўзига хос кечинмасидан тугиладди. Кечинма қанчалик табиий, унинг ифодаси не-
чоғлик таъсирчан бўлса, шеър юракларга
шунчалик тез йўл топади...

Акиф Азалпни илмий-адабий жамоатчи-
лик кўпроқ адабиётшунос сифатида, энг
аввало, “Турк тилли шеърятда туюқ (жанр-
нинг поэтикаси ва тарихи)”, “Бадиий иде-
ал ва тарихий ҳақиқат” номли тадқиқотла-
ри билан танийди. Шунингдек, у Ўзбекист-
тон Конституциясини ёш болаларга ўқитиш
бўйича “Шеърлий сабоқлар” дастурининг ва
“Соғлом авлод ёдуси” китобининг муал-
лифи.

Бирок унинг йиллар давомида чуқур инсоний дард билан
йўғрилган шеърий гулдасталари, Ватанин, дўстлик ва муҳаббат-
ни куйлаётган тароналари ўз таровати ва ўзига хос бадиий жи-
лолари билан алоҳида ажралиб туради. Шу хусусиятлари боис
Ўзбекистон Қаҳрамони, профессор Озод Шарафидинов Акиф
Азалп шеърларини “нафақат мазмунан теран, балки ғоятда на-
фис ва самимий” деб баҳолайди “Ойнинг синиқлари” тўпламига
ёзган сўзбошисиди. Куйида Акиф Азалпнинг бир қатор шеърла-
рини газетхонларимиз эътиборига ҳавола қиламиз.



«КЎЗ ОҲАНГАРИ»

туркумидан

Оҳиста хўрсинар дарахтлар,
Тўқиски келмасдан барқларин.
Кўз бўлса жимгина варақлар
Кўнглининг хотира дафтارين.

Йўлимнинг устида питирлар
Бир қўшнинг тўзиган патларин.
Оёғим остида шитирлар
Севгининг сарғайган хатларин.

Нигоҳим тортади таниш тол, —
Ваъдалар, бўсалар гувоҳи.
Бошини эгганча турар лол,
Ёд олиб кимнингдир гуноҳин.

Қўлларим чўзилиб сўроқлар,
Бахт деса, парвозга бўлиб шай.
Кафтимни куйдирар япроқлар,
Гадоёйга аталган тангадай...

1983

МАРҒИЛОН ЁДИ

Йиллардир руҳимни чулғаб беомон,
Хотирам наҳрида мавж уриб ҳар ён,
Хон атласдай ял-ял бағрида тугён
Бу куй чорлар мени Марғилон томон.

Қадр тунидидаги сеҳрли тушдай,
Олтин қафасидан кутилган қўшдай,
Бир илоҳий ҳисдан ҳамон сархушдай
Бу куй чорлар мени Марғилон томон.

Таниш оҳанглари авраб йироқдан,
Сўйлаб гоҳ висолдан, гоҳо фироқдан,
Андак нишон бериб “Чўли Ироқ”дан
Бу куй бошлар мени Марғилон томон.

Йўқ, йўқ, миннатдорман сендан,
Тошкентим,
Дурдоналар ичра биллур
бошкентим,
Лекин кўзларимда бугун ёш кентим,
Бу куй бошлар мени Марғилон томон.

Куйлаб тунларимнинг танҳо моҳини,
Бир туткун кўнглининг ўтли оҳини,
Кўзлаб муҳаббатнинг қиблагоҳини
Бу куй элтар мени Марғилон томон.

Хуш қол, йилларимга эш бўлган
армон,
Хуш қол, ҳашамлардай ишвали
ёлғон,
Энди хузурингга қайтишим гумон,
Бу куй элтар мени Марғилон томон...

1987

ЭЪТИРОФ

Дўстнинг дўсти Эғизбой акага

Турфа давраларда юриб анчайин,
Шуни англадимки дунё сиридан:
Инсон ва табиат улғайган сайин
Хислат юқтираркан бири бирдан.
Сизнинг кенглигингиз туртки бўлдию,
Энди сабабини ўқдим барининг:
Қозоқ чўлларининг тантилигию,
Ўзбек дийрнинг тенгсиз меҳрининг.
2001

СЕВГИ ЙИҒИСИ

Баҳор бошлаб берган ўтов базмида,
Дилкаш даврасида улфати чорнинг,
Қалбин ром этган куйингиз измида
Дур сочар кўзлари бир рухсорнинг.
Нигоҳида титраб ёниқ муроди,
Нечоғ сир тутмасин дил торларини,
Кўзгаб кўшиқми ё... кўшиқчи ёди
Жимгина оқизар губорларини.
Синглим, бўлган бўлсанг,
кимзингдан куй,
Қадаҳ сўзим бўлсин

нашъанга йўлдош:
Дунёнинг энг кўҳна куйидир бу куй,
Дунёнинг энг қадим ёшидур бу ёш.
Шунданми... сезаман, сени
бу дурлар
Бахтнинг тахтига кузатажақдир,
Кўнглиларинг сеवги ярасини гар
Тузатса, шу йиги тузатажақдир!
2002

ТАДБИРКОР ДЕҲҚОН НИДОСИ

Элнинг ризкин излаб даладан,
қирдан,
Гул ундирар чоғда хатто тақирдан,
Усмай қолдим ноҳақ
текшир-текширдан,
Инсоф кутаётиб, хун бўлди жигар,
Ахир кўясанми, йўқми, фарибгар?!

Сур очофатми, ё қароқчимсан,
Мансабдор қавмидан
пайлоқчимсан,
Теримни ҳам шишиб олмақчимсан?!
Инсоф тилаётиб хун бўлди жигар,
Ахир тўясанми, йўқми, фарибгар?!

Розиман пешонам ёритган тердан,
Меҳнатим сийлаган кадрдон ердан,
Бу ҳақни Истиқлол Сардори берган,
Инсоф кутаётиб, хун бўлди жигар,
Кўясанми, йўқми ўзи, фарибгар?

Экканда, текканда келасан сўраб,
Қора тер тўқканда келасан сўраб,
Оқ туя чўқканда келасан сўраб,
Инсоф тилаётиб хун бўлди жигар,
Тўясанми, йўқми ўзи, фарибгар?

Ундай деса, бундай айлантираман,
Бундай деса, ундай айлантираман,
Бир пасда минг битта тугса кирасан,
Инсоф кутаётиб, хун бўлди жигар,
Ахир кўясанми, йўқми, фарибгар?!

Кийим-бош сўрайсан боши ялангдан,
Тап тортайки кексаю ёш улангдан,
Қарзим бормиди ё катта холангдан,
Инсоф тилаётиб, хун бўлди жигар,
Ахир тўясанми, йўқми, фарибгар?!

Умирида кетмонни ушламаган кас,
Адлия китобин хушламаган кас,
Мулкнинг мақомини ўкмаган нокас,
Инсоф кутаётиб, хун бўлди жигар,
Кўясанми, йўқми ўзи, фарибгар?!

Айт энди, тутмасми халқнинг уволи,
Менинг тушларимда юртнинг иқболи,
Сенинг хушларингда ишрат ҳаёли,
Инсоф тилаётиб, хун бўлди жигар,
Тўясанми, йўқми ўзи, фарибгар?!

2003

ПУШКИНДАН

Мен Сизни севардим, муҳаббат, балки,
Буткул ўчағандир қалбимдан ҳали.
У Сизни ташвишга солмасан лекин,
Йўқ, ҳечам кўргим йўқ Сизни гуссали.

Мен Сизни севардим умидсиз ва жим,
Дам чўчиб, ўртаниб рашк ўтида дам.

1991

АЁЛГА

Алплар кўрагидан не ўқлар еди,
Англаб тирикликнинг асл маъносин.
Ахир ё озодлиқ, ё ўлим деди,
Ўғил бўлиш учун Сизга муносиб!

Насабига эмас, кўнглига қараб,
Кимки бор — шаҳзода, йилқичи, қосиб.
Бир туйғу олдиди тиз чўқди титраб,
Йигит бўлиш учун Сизга муносиб.

Тулпорлар кишнайдди тарих қаъридан,
Фотиҳлар ҳайқирар қалъалар босиб.
Кейин толганининг ўтар баҳридан,
Эркак бўлиш учун Сизга муносиб!

Дунёни тебратар энг қадим ваю,
Тароналар ичра тенгсиз таносиб.
Асли Одам келди, эй Момо Ҳаво,
Ато бўлиш учун Сизга муносиб!

1991

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўрганиб
Домо бўлавер...**

- Илтижо билан ёрдам сўровчи кишининг ҳимоячиси бўл, бундан яхшироқ яхшилик бўлмайди.
- Сен ўз ҳаётингни қанча эҳтиёт қилсанг, бошқа кишиларнинг ҳаётини ҳам шундай эҳтиёт қила билгин. Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировага дейдилар-ку.
- Дунёда энг яхши иш — ҳолис ва пок ният билан қилинган ишдир.
- Дўстингнинг хирмониға қуш кўнса ҳаёда, ўз хирмонинг ҳам омон бўлади.
- Яхшилик қалбда яшайди, ёмонлик ўжар бошдан жой излайди.
- Афлотун Ҳаким Искандар-ға насихат қилиб айтди:

— Танинг соғ экан, ҳали кексаймаган экансан, куч-қудратинг бор экан, имкон бори-ча одамларга яхшилик қилиш-ға ҳаракат эт. «Уйинг ўт олгандан кейин қудук қазишингдан нима фойда».

• Алишер Навоий аитади:
— Яхшилик қила олмасанг, борий ёмонлик ҳам қилма. Яхшиликни ёмонлигдин яхшироқ билмасанг, борий ёмонроқ ҳам бўлма, яхшиликни билмасанг, яхшиларга қўшул, яхшилик теграсида эврула олмасанг, яхшилар теграсида эврул.

ХИКОЯТ. Анушервон бир кун шикорға чиқиб, саҳрони айланаб юрган экан, ёнғоқ кўчати ўтказайтган бир чолни кўриб қолибди.

— Ҳой, мўсафид, нима қилаяпсан? — деб сўрабди Анушервон.

— Худо подшоҳга узок умр берсин, ёнғоқ экаяпман, — дебди.

— Сен қари одам бўлсанг, бу дарахт қачон вояга етиб, қачон ҳосил беради? — дебди.

— Бошқалар экдилар, биз едик, биз экамиз, бошқалар ейишади, — дебди чол.

Анушервон бу сўзга таҳсин ўқибди ва «Зех» (Офарин) дебди. Агар Анушервонга бирор нарса ёқиб қолса, «Зех» деркан. Шунда ўша одамга юз дирман пул беришаркан, Анушервон чолнинг сўзини эшитиб «Зех» деган экан, унга тўрт юз дирман беришибди.

— Ҳеч кимнинг дарахти мен экканчалик тез ҳосил бермаган, — дебди чол.

Анушервон яна «Зех» дебди. Мўсафидга яна тўрт юз дирман беришибди.

Подшоҳнинг назари тушгани учун ҳам бу дарахт бир йилда икки марта ҳосил берди, деса, Анушервон яна «Зех» дебди. Чолга яна юз дирман беришибди.

Байт:
Кимнинг яхши номи қолса ёдгор,
Арзир бу дунёдан кетса бахтиёр.

• Урушиб, жанжаллашиб турган икки кишининг қайси бири ақли бўлса, ўша киши айбдордир.

5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунин

ХАЙРЛИ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Халқимиз саломатлиги, она табиатимиз мусаффолигини асраб-авайлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирidir. Бу борада «Экосан» Халқаро жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан кенг қўламдаги хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бизнинг «Экосан» Халқаро жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг бош директори Шоира ИБРОХИМОВА билан суҳбатимиз айти кунларда жамғарма томонидан амалга оширилаётган ишлар, келгусидаги режалар хусусида бўлди.

— Шоира Расуллова, Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунин қанондан ўтказилиб келинади ва ундан кўзланган мақсад нималардан иборат?

— 5 июнни Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунин сифатида нишонлаш таклифи Япония ва Сенегал давлатлари делегацияси томонидан илгари сурилган бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1972 йил 5-6 июнь кунлари Стокгольм шаҳрида бўлиб ўтган анжуманида тасдиқланган. БМТнинг атроф-муҳит муаммолари масалаларига эътиборининг кучайишида Стокгольм конференциясининг аҳамияти катта. Айнан мазкур конференцияда экологик муаммоларни барқарорлашган, комплекс равишда ҳал қилиш тизими шаклланди ва ҳаётга татбиқ қилина бошланди. Атроф-муҳит муаммоларини ҳал қилиш Ўзбекистон Республикаси экологик сўёбатининг ажралмас қисмидир. Давлатимиз атроф-муҳит муаммоларига оид 10 та конвенцияга қўшилган, 12 та Халқаро шартномани имзолаган. Табиатни муҳофаза қилиш масалаларига оид 100 дан ортик қонуний ҳужжатлар, шунингдек 1994 йилда «Орол денгизи ҳавоасининг экологик ҳолатини яхшилашга қаратилган аниқ чоралар дастури» қабул қилинган.

— «Санитария, гигиена ва экологик маданият» ўн кунлиги доирасида шахримизда қандай ишлар амалга оширилади?

— Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 март кунин қабул қилинган 108-Ф сонли Фармойишида тасдиқланган «Экология ва саломатлик» кунларини ўтказиш юқоридаги муаммоларни имкон қадар бартараф этишга кўмак беради. Республикамизда 1997 йилдан бошлаб ҳар йили «Экология ва саломатлик» кунларининг уч босқичда ўтказилиши яхши анъаналга айланган. «Экология ва саломатлик» кунларининг 2003 йил иккинчи босқичи доирасидаги «Санитария, гигиена ва экологик маданият» (5—15 июнь) ўн кунлик тадбирлари «Ўзбекистон—Барқарор ривожланиш йўлида» шiori остида Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишланади. Ушбу ўн кунлигининг ижтимоий-экологик моҳиятини назарда тутган ҳолда ва ёз фаслида ўткир юқумли касалликларнинг тарқалишининг олдини олиш, халқ саломатлиги учун қўлай шарт-шароитларни яратиш, кенг омма орасида, айнакса ўсиб келаётган ёш авлодининг экологик маданиятини ошириш бўйича кўпгина тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Унинг доирасида махсус

тадбирлар режалари ишлаб чиқилган бўлиб, масалан, 7 июнь кунин умумшаҳар экологик شانбалиги ҳамда Мирзо Улугбек туманидаги «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғида Экофестиваль ўтказиш режалаштирилган. Шунингдек, декада давомида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғломлаштириш ишларини фаоллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилади. Худудларни ободонлаштириш ва тартибга келтириш ишларида маҳаллалар ва айнакса кўп қаватли турар жой бинолари, оммавий овақлатиш жойлари ҳамда бозорларнинг санитар ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади.

— Шоира Расуллова, жамғармининг амалга ошираётган бошқа хайрли тадбирлари ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз...

— «Экосан» жамғармасининг мақсадли дастури асосида «Экосан—маҳаллада», «Аёл ва экология», «Соғлом муҳит—соғлом авлод гарови», «Экология ва саломатлик» ва бошқа шун сингари тадбирлари маҳаллаларда, олий ўқув юрларида, ташкилот ва муассасаларда қизиқарли суҳбатлар, савол-жавоблар, илмий-амалий анжуманлар, фестивал ва кўрик-танловлар тарзида ўтказилмоқда. Бундан ташқари жамғарма томонидан кам таъминланган оилалар, ногиронлар, меҳрибонли уйлари тарбияланувчиларига мунтазам хайрия ёрдамлари кўрсатиб келинмоқда. Йил бошидан бўён жамғармининг мақсадли дастури доирасида 2 миллион сўмдан ортик инсонпарварлик хайрия ёрдами кўрсатилди.

— 7 июнь кунин «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғида Экофестиваль ўзгача тантанали руҳда ўтказилса керак?..

— «Экосан» Халқаро жамғармаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунин муносабати билан «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғида «Ўзбекистон барқарор экоривожланиш йўлида» деб номланган Экофестиваль ўтказилади. Ушбу байрам дастурида шахримиздаги элчиҳоналар томонидан тайёрланган ранг-баранг экспонатлар, таниқли рассомларимизнинг «Рассом ва табиат» ҳамда болалар ижоди бўйича «Келажакимиз ва экология» мавзудаги кўргазмалари, шунингдек халқ амалий санъати асарлари ва анвойи гуллар кўргазмалари ҳамда эстрада юлдузлари иштирокида катта концерт намойиш этилади. Маҳрамат, барча ҳамшаҳарларимизни ушбу экофестивалга таклиф этамиз.

Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди.

ФОЛИБЛАР ҚУТЛАНДИ

Эртанги кун эгалари бўлмиш ёшларни маънан баркамол, жисмонан соғлом, кучли ва иродали қилиб тарбиялашга улкан ҳисса бўлиб қўшилган, иккинчи бор мамлакат миқёсида ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари ёшларнинг ҳақиқий байрамига айланган кетди. Ушбу мусобақада биринчи ўринни кўлга киритган Тошкент шаҳри вакилларини қутлаш, шарафлаш ҳали ҳам давом этаётганидан эришилган галабанингу нуфузини илғаш қийин эмас.




Кунин кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Умид ниҳоллари—2003» мусобақаларида шахримиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, улкан галабага ҳисса қўшган ёш спортчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Азиз ўқувчи-ёшлар, спортда фахрли ва шарафли галабани кўлга киритганингиз билан яна бир бор қутлаймиз, — деди тадбирни очар экан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рустам Курбонов. — Келгуси ўқиш ва ишларингизда омадлар тилаймиз. Ишонимизки, келгуси йил ҳам мана шундай кўтаринкилик, гайрат ва шижоат билан мусобақаларда қатнашиб фақат галаба нашидасини сурасизлар. Мамлакатимиз байроғини ҳамisha баянлаб кўтариб, умидли ниҳоллардан спортимиз чинорларига айланасизлар.

Тадбирда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ислон Зокиров, «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси Фуркат Махмудхўжаев, болаларнинг устоз-мураббийлари сўзга чиқиб, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари халқимизнинг руҳиятига, кайфиятига сингиб кетганлигини таъкидлаган ҳолда, шахсан Юртбошимизнинг умидли, истезодли, келажакимиз пойдевори бўлмиш ёшларимизга кўрсатаётган катта ғамхўрлик ва эътибори учун миннатдорчилик билдирдилар.

Сўнг спортчи-ўқувчиларга Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари, устоз-мураббийларга эса «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди. Мактаблар бўйича энг кўп — 18 та олтин, 17 та кумуш, 5



та бронза медалини кўлга киритган 110-мактаб жамоасига мусобақанингу олий соврини — Президентимизнинг «Умид ниҳоллари — 2003» иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нуҳуси тантанали суратда топширилди.

Галаба нашидасини суратган спортчи-ёшлар бугун дилдан яйрадилар, севимли гуруҳлари ижросидаги куй-қўшиқларга мазза қилиб рақсга тушдилар. Шодлик ва кувонч, ғурур ва ифтиҳордан чарақлаб турган ёшларимизга кечагина сўнгги кўнгиракда мактаб ва туман ҳокимлиги томонидан ҳам катта эътибор кўрсатилиб, қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилган эди. Бугунги тадбир эса уларнинг кўнглини кўтариб, келгусида катта галабаларни кўлга киритишларига қанот бўлди десак асло муболага бўлмайди.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: «Умид ниҳоллари—2003»
голибларини тақдирлаш тадбиридан лавҳалар.

Сергей Любич олган суратлар.



**СЕРТИФИКАТЛАР
ТОПШИРИЛДИ**

Тошкентдаги Теурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Ўзбекистон АҚШ академик ҳамкорлиги ташкилоти томонидан бизнес курсларни битирган ўттиз нафар талабага сертификат топширилди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университети иқтидорли талабалар билан ишлаш учун махсус дастур тузган. Унга асосан бир қатор факультетларнинг иқтидорли талабалари йил давомида бизнес курсида таҳсил олиши. Ўтган беш йил давомида бизнес курс дастурида университетнинг таржimonлик ва инглиз филологияси факультетларининг 200 дан ортик эф иқтидорли талабалари муваффақиятли иштирок этди. Бу йилги дастурда университетнинг халқаро журналистика факультети талабалари илк марта галабага қатнашди. Курс давомида талабаларга халқаро муносабатларда иш юритиш, бизнес оламида ингиликларни жорий этиш масалалари бўйича нафақат назарий, балки амалий машғулотлар олиб борилди. Шунингдек, ўқув дастури давомида шотландиялик ва австралиялик мутахассислар бизнес маъмурият, менежмент, халқаро муносабатлар ва бир қатор фанлар бўйича талабаларга маърузалар ўқиди.

Тадбирда сўзга чиққан хорижий ўқитувчилар университет талабаларининг билим даражасини юқори баҳолаб, танлаган фанлари бўйича эркин фикрлаш қобилиятига эга эканлигини таъкидлашди. Шунингдек, мазкур бизнес курс дастурини мамлакатимиз олий таълим тизимида оммалаштириш истагида эканликларини эътироф этишди.

«Туркистон-пресс»

«Тошкент оқишони»
ХУКУҚИЙ
Маслаҳатхонаси

Қонунга ҳурмат ва итлооткорлик – ҳаёт мезони

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

2.2. Фуқароларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг айрим жиҳатлари

49. Кимлар турар жой мулкдорининг оила аъзолари ҳисобланади?

Турар жой мулкдорининг оила аъзолари деб у билан доимий бирга яшаётган хотини (эри) ва уларнинг фарзандлари тан олинади. Меҳнатга лаёқатсиз боқимандалар, шунингдек турар жой мулкдори билан яшаётган фуқаролар, агар улар мулкдор билан умумий ҳўжалик юритаётган ва унинг турар жойи бўйича рўйхатдан ўтган бўлсалар, **Уй-жой кодексининг 32-моддасига** биноан, унинг оила аъзоси деб топилиши мумкин.

Эр-хотиннинг ота-онаси, шунингдек мулкдор билан доимий яшаётган оилали фарзандлари, агар илгари бу оила аъзоси деган ҳуқуққа эга бўлмаган бўлсалар, фақат ўзаро келишувга биноан мулкдорнинг оила аъзоси деб тан олинishi мумкин.

50. Турар жой мулкдори квартира мулкдоридан нима-си билан фарқ қилади ва бундай мулкдор қандай ҳуқуқларга эга?

Турар жой мулкдори турар жойни хусусийлаштиришда иштирок этадиган, бинобарин шу жойда доимий яшаётган ва хусусийлаштириш пайтида шу жой бўйича рўйхатда бўлган ҳамда мулк ҳуқуқига тааллуқли давлат ордери кимнинг номига расмийлаштирилганидан қатъи назар, турар жойни хусусийлаштиришга ўз розилигини берган шахсдир (хусусийлаштириш иштирокчилари жумласига хусусийлаштирилган пайтда вояга етмаган болаларни ҳам киритиш зарур).

Бундай шахс турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқидан ташқари турар жойнинг бир қисмига мулкдорлик ҳуқуқига ҳам эга. Унинг улуши оддий арифметик усулда, яъни шартли бирлик – квартирани хусусийлаштирилаётган турар жой бўйича доимий рўйхатда бўлган ва яшаётган шахслар, шу жумладан вояга етмаган болалар сонига бўлиш йўли билан аниқланади. Масалан, квартирада эр, хотин ва уларнинг вояга етмаган икки фарзанди яшайди. Квартира эрнинг номига расмийлаштирилган. Бунда оиланинг ҳар бир аъзоси улуши чорак қисмига (1/4=тўртдан бир қисм) тенг.

Бундай мулкдор:

- 1) квартирандан фойдаланиш, уни тасарруф этиш ва унга эгалик қилишда квартира мулкдори билан тенг ҳуқуқларга эга;
- 2) ўз улуши: пул компенсацияси тарзида, улуши ҳисобидан сотиб олиб бериладиган алоҳида турар жой кўринишида ажратиб берилишини;

мажбурий йўсинда алмаштирилишини, яъни битта турар жой иккита турар жой билан алмаштирилишини; суд тартибда ажратиб берилишини талаб қилишга ҳақли; 3) айнаи бир вақтда турар жойга лозим даражада қараб туриши, кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ ҳаражатларда иштирок этиши шарт.

51. Турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқигагина эга бўлган шахсларнинг бундай ҳуқуқни амалга оширишидаги ўзига хос жиҳатлар нималардан иборат?

Хусусийлаштирилган квартираларга (уйларга) кўчиб қирган шахслар, масалан келинлар (оилалда ўғилларнинг хотинлари) турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқига эга – уларда бу ҳуқуқ турар жойга кўчириб киритилган ва мазкур турар жойда доимий яшаётганлари тақдирда юзга келади.

Бу шахслар кўчиб киришларида асос бўлган муносабатлар бекор бўлган тақдирда ҳам уларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Айтайлик, мулкдорнинг ўғли хотини билан ажралган, улар ўртасидаги никоҳ бекор бўлган эса-да, келин бу уйда яшайверишга ҳақли.

Башарти бу келин уй мулкдорининг, унинг оила аъзоларининг гаيريқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида уларнинг турар жойдан қийиб кетишига мажбур бўлган бўлса, ўша жойда яшаб туришининг сира имкони бўлмағи қолганини учун ҳам чикиб кетганлигини тушунтириб, суд тартибда киритиб қўйишни сўраб, бу турар жойга киритиб қўйиш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Борди-ю, бундай шахс турар жойдан ўз ихтиёри билан кетган ва узрли сабабсиз олти ойдан ортиқ вақт мобайнида у ерга келмаган ва бунда тамомила ўз хошияга кўра иш тутган бўлса, у бу турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотади.

Уй (квартира) эгаси, унинг оила аъзолари, у билан доимий яшаётган фуқаролар ва собиқ оила аъзолари ўртасидаги:

- 1) турар жойдан фойдаланиш ҳақидаги;
- 2) қилинган ҳаражатлардаги улуш миқдори ҳақидаги низолар суд томонидан ҳал этилади.

(Давоми бор)



Бош муҳаррир
Акмак АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-2970;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 боёма таъриф офсет усулида босилган.
5952 нусxada босилди. Кўзга бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсатқичи — 563

Газета Узбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақам билан рўстатилган

Уларнинг ичида япон банклари энг кудратли бўлиб, Митсубиси Бэнк, Санва Бэнк оф Жапан каби-ларнинг ҳар бири юзлаб миллиард долларлик активларга эга.

фига аънавий (саноати ривожланган Фарб давлатлари) худудлардан ташқари, баъзи бир янги индустриал давлатлар вакиллари кўшилди. Масалан: Банк ду Бра-

бўлган «офф-шор» зоналарига кўчиришмоқда.

Бундай зоналар Осиёда Сингапур, Гонконг, Бахрайн каби давлатлардадир. Америкада бундай худудлар Панама ва Кариб ҳавзасидаги бир қанча кичик-кичик орол-давлатларда жойлашган. Европада Гибралтар ороли ва Кипр шундай худудларга кирди.

Дунёдаги ТМБларнинг ярмидан кўпи асосан иқтисодий ривожланган давлатлар бўлган АҚШ, Буюк Британия, Япония, Франция, ГФР, Швейцария, Канадага тегишлидир. ТМБлар

• БИЛАСИЗМИ?

НУФУЗИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Дунё молия бозорида энг йирик иштирокчилар Транс миллий банклар бўлиб, бугунги кунда бу банклар жаҳон молия тизимида улкан иқтисодий салоҳиятга эга. Транс миллий банклар асосан XIX аср охири, XX асрнинг бошларида йирик миллий банклар негизда пайдо бўлиб, айниқса XX асрнинг 50-йилларида Яқин Шарқ энергетик ресурсларини ўзлаштириш жа-раёнда саноат капитални билан қўшилиб, жуда бойиб кетди.

зил ёки Гонконг энд Шанхай банклари шулар жумласидандир.

ТМБларнинг асосий мижозлари энг аввало йирик Трансмиллий корпорациялар бўлиб, улар XIX аср охири ва XX асрнинг бошларидан эhtiборан то ҳозирги кунгача чамбарчас ҳамкорлик қилмоқдалар. Бу ҳамкорликнинг даражаси бугунги кунда шунчалик баландки, кўплаб ТМБларнинг асосий таъсисчилари ёки уларнинг активларининг катта қисми саноат капитални қўлига ўтиб кетмоқда. Баъзи ҳолларда эса аксинча йирик саноат корпорацияларининг акциялари ТМБларнинг қўлида тўпланиб, бу компанияларга шериклик қилишмоқда.

Охириги 10 йилликларда ТМБларнинг кўпчилиги ўз активларини солиқ имтиёзларига эга

ўз депозит базаларини тинимсиз кенгайтириб бормоқдалар.

Бунда ТМБлар қўлайдиган бош тамойил «Капитални қўлай худудларда жалб қилиб ўта манфаатли худудларда ишлатиш».

Компьютер технологиялари ва бошқа алоқа воситаларининг ривожланиши ТМБларнинг дун-молия бозорларидаги ҳукмронлигини мустаҳкамламоқда. Бу жараён 70-йилларнинг охиридан бошлаб тўловларнинг электрон тизими қўлланила бошлагандан кейин айниқса кучайди.

Қисқача айтганда, иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви ТМБларнинг маъқеени янада кучайтирди.

Бекзод ЖУЛЛИЕВ,
Тошкент Молия институти магистранти.

ЁДИНГИЗДА ТУТИНГ...

◆ Спектроскоп текширувларнинг кўрсатишича, инсон организмда турли хил металлар бўлар экан. Чунончи, юракда — мис, алюминий, темир, ўпкада — мис, алюминий, титан, ошқозон таги безида — кобальт, никель, кўрғошин, жигар ва буйракда — қумуш, қўлом, мис, мияда — қўлом бўлар экан.

◆ Мия тўқималарининг озиқланишига инсон организмдаги барча қоннинг бешдан бирига яқини сарф бўлар экан.

◆ Швед олими Холмгренинг текширишларига кўра, инсон тана аъзоларининг турли қисмида кон босими турлича бўлади. Артерияларда у симоб устунининг 80-120 миллиметрга тенг келади, веналарда эса 50-100 миллиметрда бўлади. Капиллярларда эса қон босими симоб устунининг 20 миллиметрда бўлади.

◆ Чойни шиша, тунука ёки пластмассадан ясалган кўш қопқоқли чой идишда сақласангиз сифати бузилмайдми, хушбўй иси йўқолмайди, нохуш ҳидларни ўзига тортмайди.

◆ Синтетик толали трикотаж либосларни офтоб ерга ёйиб қурирманг, акс ҳолда бюкингиз қотиб кетади. Шунингдек, шабада ерга ҳам ёйманг, қўзилиб асл шаклини йўқотиши мумкин.

◆ Эмалланган идишда овқат пишираётганда кирмоч олиб кетган бўлса, асло қириб тозаламанг. Унга сув солиб (бир литрга бир чой қошиқ миқдорига) истеъмол содасини қўшиб қайнатинг. Шунда идиш таги ва четларига ёпишиб қолган кирмоч осон кўчади. Сири кўчган эмаль идишда овқат пишириш саломатлик учун хавфли.

◆ Туздонга бир-икки варақ шимдиргич қоғоз ташлаб қўйсангиз туз намикмайди ҳам, юмалоқланиб қотиб қолмайди ҳам.

Мансуржон БОБОЖОНОВ тайёрлади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» абонентлари диққатига!

34, 35-АТСларда реконструкция ишларининг амалга оширилиши ва амалдаги асбоб-анжомларнинг замонавий — 134 ЭАТС ва — 135 ЭАТСга алмаштирилиши, шунингдек, Юнусобод туманида янги — 112 ЭАТСнинг ишга туширилиши муносабати билан «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалининг Марказий телефон узели маъмурияти қайта ўтказиш муносабати билан етказилган ноқулайликлар учун олдиндан уэр сўрайди.

Маълумотлар учун телефонлар: аҳоли учун: 137-63-63, 132-06-99. Ташкилотлар учун: 137-63-13, 112-23-23.

«ТОШКЕНТ ОҚИШОНИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд хуалари, тўйлар, нобилейлар муносабати билан қўтловларни, вижко эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида берилади.

Эълонлар шанба ва ақшанбадан ташқари ҳар кунни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. **МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-КАВАТ, 204-ХОНА.**

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамоғига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-маънави ақидорлик компанияси босмоқхонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.